



ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАРНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ, ХУСУСАН БУЮК БРИТАНИЯ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР

Сарвар Ботиров

Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10362101>

ARTICLE INFO

Received: 05th December 2023

Accepted: 11th December 2023

Online: 12th December 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилгач нафақат юртимиз, балки хорижий мутахассислар олдида ҳам мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларини ўрганиш учун янги имконият эшиклари очилди. Натижада, бугунги кунда хорижда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонга оид тадқиқотлар сонининг ўсгани ва минтақани ўрганувчи мутахассислар сонининг кўпайиб бораётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Сўнгги ўттиз йил мобайнида Буюк Британияда Ўрта Осиё минтақаси давлатлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ўрганилиб, таҳлил қилинган, минтақанинг қадимги, ўрта ва сўнгги ўрта асрлардаги тарихи, ижтимоий антропология, жамиятнинг ижтимоий қурилиши, этнография, пост-социалистик жамият, урбанистика, шаҳарлар трансформацияси, миллий ўзлиқни англаш каби мавзуларини **К.Баумер, Л.Тредуэлл, А.Моррисон, П.Кларк, К.Хамфри, С.Саксена, П.Калра, М.Ривз, Ж.Расаянагам** каби олимлар; минтақа давлатларидаги сиёсий қайта қуриш, сиёсий иқтисодиёт, ижтимоий тараққиёт, конституцион тизимлар, ҳуқуқ, низолар, хавфсизлик, глобал сиёсат, халқаро муносабатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар, терроризм ва уюшган жиноятчилик каби мавзуларни **Р.Аллисон, Ж.Гудхенд, С.Ньютон, Ж.Хизершоу, Д.Люис, К.Оуэн, С.Каммингс, Л.Анчески, Н.Макфарлайн, Р.Пантуччи, Н.Мегоран, С.Хендерсон** каби мутахассислар тадқиқ этишлари маълум бўлди.

Юқорида номи келтирилган тадқиқотчилар Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистондаги маълум бир соҳани узоқ давр мобайнида тадқиқ этишлари натижасида, мазкур соҳанинг етук мутахассисига айланганлар. Хусусан, мана шундай олимлардан бири **Керолин Хамфрининг** 2007 йилда К.Александр ҳамда В.Бучли билан ҳаммуаллифликдаги *“Пост-Совет Ўрта Осиёда шаҳар ҳаёти”* номли китоби¹, 2008 йилда эса унинг М. Марсден ва В. Сквирская билан ҳаммуаллифликдаги

¹ 2007 (ed.) Urban Life in Post-Soviet Central Asia, edited by Catherine Alexander, Victor Buchli and Caroline Humphrey. London: UCL Press. This book contains a chapter by Caroline Humphrey, ‘New Subjects and Situated Interdependence: After Privatisation in the City of Ulan-Ude.’ 175-207.



“Космополитизм ва шаҳар: Бухорода унинг ўзаро таъсири ва бирга яшаши”² мақоласи нашр этилган. К. Хамфри макур тадқиқотларида ижтимоий антропология ва урбанистик муаммоларини ўрганади.

Ўзига хос тарихий даврни акс эттирган “Пост-Совет Ўрта Осиёда шаҳар ҳаёти” номли ушбу китоб Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин шаҳар ҳаётидаги ўзгаришларни этнографик нуқтаи-назардан кўриб чиқади ва шу тариқа шаҳарлар, Марказий Осиё ва пост-социализм ҳақидаги адабиётлардаги жиддий бўшлиқларни тўлдиради. Унда Тошкент, Олмаота, Остона ва Улан-Уде каби Совет Иттифоқи парчаланишидан кейин мутлақо турлича муносабатда бўлинган тўртта шаҳар ўрганилади.³

Буюк Британиянинг Абердин университети Ижтимоий фанлар мактаби мутахассиси доктор **Жохан Расанаягам** Марказий Осиё хусусан, Ўзбекистонда 1998 йилдан бошлаб ислом, фуқаролик ва ахлоқий ўзликни англаш мавзуларида кенг қўламли дала тадқиқотларини олиб борган. Марказий Осиё давлатларида пост-социалистик жамият, ислом антропологияси, ахлоқ ва субъект, даволаш амалиётлари ва руҳий қарамлик, дин ва дунёвийлик, сиёсат ва давлат каби мавзулар унинг қизиқишлари доирасига киради.⁴

Ўрта Осиё минтақаси давлатларидаги сиёсий қайта қуриш, сиёсий иқтисодиёт, ижтимоий тараққиёт, конституцион тизимлар, ҳуқуқ, низолар, хавфсизлик, глобал сиёсат, халқаро муносабатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар, терроризм ва уюшган жиноятчилик каби соҳаларни ҳам Буюк Британия тадқиқот муассасаларининг бир қатор олим ва мутахассислари ўрганмоқдалар.

Оксфорд Глобал ва ҳудудий тадқиқотлар мактаби Россия ва Евроосиё халқаро алоқалари маркази директори профессор **Рой Аллисон** Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Каспий денгизи минтақаси, Кавказ ҳудуди давлатларида ташқи сиёсат, хавфсизлик, халқаро ҳуқуқ, халқаро нормалар, интервенция, ҳарбий конфликт соҳаларини ўрганиб боради. Унинг бугунги кунгача юқорида айтиб ўтилган мавзуларда 10 га яқин китоб ва 20 га яқин мақолалари чоп этилган.

1998 йилда Р.Аллисоннинг Кристоф Блут билан ҳаммуаллифликдаги **“Россия ва Евроосиё хавфсизлиги мунозаралари”⁵** китоби чоп этилади. Унда собиқ Совет Иттифоқи парчалангандан кейин юзага келган янги давлатлардаги сиёсий бошқарув ва хавфсизлик соҳасида пайдо бўлган бир қатор муаммолар, мазкур муаммоларни ечиш учун ушбу давлатлар олиб борган сиёсат ҳақида фикр юритилган. Ундан ташқари, ушбу китоб Россия, Украина, Марказий Осиё ва Кавказ давлатларининг хавфсизлик сиёсати, уларнинг ҳарбий ва ҳарбий-иқтисодий салоҳиятига оид мулоҳазаларга бағишланган.⁶

² 2008 (with Magnus Marsden and Vera Skvirskaya) ‘Cosmopolitanism and the city: interaction and coexistence in Bukhara’, in S. Mayaram (ed.) The Other Global City. New York: Routledge. 2008

³ https://www.academia.edu/33524523/Urban_Life_in_Post_Soviet_Asia. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 6 март.

⁴ <https://www.abdn.ac.uk/people/johan.rasanayagam?page=3#about> Мурожаат этилган сана: 2022 йил 16 март.

⁵ Roy Allison. Security Dilemmas in Russia and Eurasia (co-edited with Christoph Bluth), London, Royal Institute of International Affairs, 1998

⁶ <https://www.rees.ox.ac.uk/roy-allisons-publications>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 18 март.



2001 йилда Р.Аллисоннинг Л.Жонсон билан ҳаммуаллифликда чоп этилган **“Марказий Осиё хавфсизлиги: янги халқаро контекст”**⁷ китобида собиқ Совет Иттифоқи таркибидаги янги давлатлар - Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон учун юзага келган имкониятлар ва қийинчиликлар; Россиянинг минтақадан тобора узоқлашиб бориши; бу давлатларнинг ўз муносабатларини жанубга, ғарбга ва шарққа кенгайтиришлари; Каспий минтақасининг бой энергия ресурслари бутун дунёда қизиқиш уйғотаётганлиги; бундан ташқари, сув танқислиги ёки минтақа давлатларида исломнинг қайта тикланиши каби муаммолар билан боғлиқ хавф-хатарлари ҳақида муаллифлар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шу билан бирга, ички хавфсизлик сиёсати муаммолари, Марказий Осиё давлатлари билан минтақавий ва халқаро кучлар ўртасидаги ривожланаётган муносабатлар хавфсизлиги мазмуни, хусусан, Россия, Хитой, Эрон, Туркия ва бошқа давлатларнинг минтақадаги манфаати ҳамда сиёсати кўриб чиқилади.⁸

Оксфорд университети Сиёсат ва халқаро алоқалар бўлими профессори **Нил Макфарлейн** Россия ташқи сиёсати ва унинг Марказий Осиё жанубий минтақасидаги пост-совет давлатлардаги динамикаси, фуқаролик низоларини бошқариш ва ҳал қилишда халқаро ташкилотларнинг таъсири, собиқ Совет Иттифоқи давлатларининг сиёсий ва иқтисодий ўтиш даври мавзуларида тадқиқотлар олиб боради. Бир вақтнинг ўзида у Чатем Хаус (Chatham House) Россия-Евроосиё лойиҳаси кичик илмий ходими, Грузиянинг Тбилиси шаҳридаги Ижтимоий фанлар маркази раҳбари ҳисобланади.⁹ Унинг тадқиқотларидан бири бўлган **“АҚШ ва Марказий Осиёда минтақавийлик”**¹⁰ мақоласида Америка Қўшма Штатларининг Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликка оид сиёсати ва манфаатлари моҳияти кўриб чиқилади.

Қироллик халқаро муносабатлари институти – Чатем Хаус (Chatham House) Россия-Евроосиё лойиҳаси илмий ходими **Кейт Маллинсон** Марказий Осиё минтақасида сиёсий таваккалчилик бўйича эксперт ҳисобланади. У Марказий Осиё ва собиқ Совет Иттифоқининг бошқа мамлакатларида ўн беш йилдан ортиқ давр мобайнида хорижий бизнес компанияларга рискларни бошқариш, ички ва геосиёсий ўзгаришларнинг таъсири соҳасида маслаҳатлар бериб келган. У минтақадаги сиёсий рискларни ўрганишдан ташқари, Марказий Осиёдаги бошқарув масалаларини ҳам тадқиқ қилади ҳамда Европада ҳамкорлик ва Хавфсизлик Ташкилотининг сайлов кузатувчиси сифатида тез-тез ташриф буюради.¹¹

Лондон университетининг Шарқшунослик ва Африка тадқиқотлар мактаби (**SOAS**) Замонавий Ўрта Осиё ва Кавказ маркази раҳбари **Скотт Ньютон** Ўрта Осиё республикалари Конституцион ва суд-ҳуқуқ тизимларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Хусусан, унинг **“Мустақил Ўрта Осиё давлатлари Конституцион**

⁷ Central Asian Security: The New International Context, (co-edited with Lena Jonson), Washington D.C., Brookings/Royal Institute of International Affairs, 2001

⁸ <https://www.rees.ox.ac.uk/roy-allisons-publications>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 20 март.

⁹ <https://www.politics.ox.ac.uk/person/neil-macfarlane>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 20 март.

¹⁰ S. Neil Macfarlane. The United States and Regionalism in Central Asia. International Affairs. Jun-2004.

¹¹ <https://www.chathamhouse.org/about-us/our-people/kate-mallinson>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 24 март.



тизимлари: контекст таҳлил¹² **китобида** Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларининг маданий, тарихий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий контекстида биринчи қиёсий конституциявий таҳлил амалга оширилади. Китобда минтақа давлатлари Конституцияларининг умумий тавсифи, ундан ташқари президентлар ва ҳукуматлар, парламентлар ва сайловлар, суд тизими ва ҳуқуқ, жамият ва иқтисод, маданият ва ўзликни англаш каби мавзуларнинг конституцион талқини таҳлил қилинади.¹³

Экзетер университети таркибидаги Ижтимоий ва халқаро фанлар коллежи профессори **Джон Хизершоу** пост-совет даври Ўрта Осиё давлатларида глобал сиёсат шароитида низолар, хавфсизлик ва тараққиёт, халқаро муносабатларнинг теологик асослари масалалари билан шуғулланади. Шу билан бирга, у антропология, минтақашунослик, география, тарих, илоҳиёт ва дин йўналишларида ҳамкасблари билан бирга амалга оширилган тадқиқотларнинг муҳаррири ва ҳаммуаллифи ҳисобланади.¹⁴

Буюк Британиянинг Экзетер университетида Дж.Хизершоу билан биргаликда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонга оид тадқиқот лойиҳаларда Д.Льюис ва К. Оуэн ҳам иштирок этади.

Профессор **Дэвид Льюис**нинг фаолияти халқаро муносабатлар, тинчлик ва низоларни тадқиқот қилишга қаратилган. Минтақавий нуқтаи назардан олиб қараганда, Д.Льюис тадқиқотларида асосан пост-совет даври Россия, Марказий Осиё ва Кавказда сиёсат мавзусини ўрганган.¹⁵

Доктор **Кэтрин Оуэн** Экзетер университети Халқаро муносабатлар бўлими катта ўқитувчиси. Унинг тадқиқот олиб борадиган йўналишлари бир нечта бўлиб, шулардан бири **“Марказий Осиёда Россия ва Хитой фаолияти”** ҳисобланади. Мазкур йўналишда К.Оуэн профессор Жон Хизершоу бошчилигида **“Марказий Осиёда кучайиб бораётган куч ва можароларни бошқариш”** (2012-2016) лойиҳаси доирасида тадқиқотчи сифатида иш олиб борган.¹⁶

Шотландиянинг Авлиё Эндрюс университети Халқаро муносабатлар мактаби директори, доктор **Салли Каммингс** **“Марказий Осиёда рамзийлик ва куч”**¹⁷, **“Марказий Осиёни англаш: сиёсат ва баҳсли ўзгаришлар”**¹⁸ асарларининг муаллифи ҳамда **“Марказий Осиёда куч ва алмашув”**¹⁹ китобининг муҳаррири ҳисобланади.

“Марказий Осиёда рамзийлик ва куч”да собиқ Совет Иттифоқи қулагач коммунизм сиёсати таъсирида бўлган Ўрта Осиё минтақасидаги Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон давлатларининг ўз мустақилликлари моҳиятини англаш йўлида қилган ҳаракатлари ёритилади. Мазкур

¹² Newton, Scott (2017) The Constitutional Systems of the Independent Central Asian States: A Contextual Analysis. London: Bloomsbury. (Constitutional Systems of the World)

¹³ Ўша асар.

¹⁴ <http://socialsciences.exeter.ac.uk/politics/staff/heathershaw>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 26 март.

¹⁵ <http://socialsciences.exeter.ac.uk/politics/staff/dlewis/> Мурожаат этилган сана: 2022 йил 26 март.

¹⁶ <http://socialsciences.exeter.ac.uk/politics/staff/cowen/> Мурожаат этилган сана: 2022 йил 26 март.

¹⁷ Sally N. Cummings. Symbolism and Power in Central Asia: Politics of the Spectacular. Routledge, London. 2012.

¹⁸ Sally N. Cummings. Understanding Central Asia: Politics and Contested Transformations. Routledge, London. 2013.

¹⁹ Power and Change in Central Asia (edited by Sally N. Cummings). Routledge, London. 2002.



давлатларда коммунизм мафкуриси ўрнига ҳар бири томонидан миллий мафкуранинг жорий қилиш жараёни ўрганилади.²⁰

“Марказий Осиёни англаш: сиёсат ва баҳсли ўзгаришлар” асарида эса Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон мустақил республикалари дуч келган улкан сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик муаммолари; Марказий Осиё давлатларининг ўтмиши, ҳозирги ва келажакдаги ўзгаришлари, жумладан, унинг халқаро хавфсизлик ва жаҳон сиёсатидаги тутган ўрни; мустақиллик олиб келган ўзгаришлар каби мавзулар ўзига хос тарзда таҳлил қилинади.²¹

Қироллик бирлашган хизматлар институти ([Royal United Services institute, RUSI](http://Royal United Services institute. RUSI)) катта илмий ходими **Раффаелло Пантуччи** терроризм ва терроризмга қарши кураш, шунингдек, Хитойнинг Ғарбий қўшнилари билан муносабатлари мавзуларида тадқиқотлар олиб боради. У бунга қадар Лондондаги Халқаро стратегик тадқиқотлар институти (International Institute for Strategic Studies, IISS), Вашингтондаги Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази (Center for Strategic and International Studies, CSIS), Лондон Қироллик коллежи Радикаллашувни ўрганиш халқаро марказида фаолият олиб борган.²²

Англиянинг Ньюкасл университети География, сиёсат ва социология мактаби профессори **Ник Мегоран** “совуқ уруш”²³ давридан кейинги халқаро муносабатларнинг сиёсий географияси ва геосиёсатини ўрганади. Унинг тадқиқот ишлари асосан иккита катта мавзуда бўлиб, биринчиси ҳозирги Ўзбекистон ва Қирғизистонда миллий давлатларнинг барпо этилиши, уларнинг ўзаро чегара ҳудудлари, чегаравий низолар ва геосиёсати, иккинчиси эса дин ва черковнинг уруш ва тинчлик давридаги ўрнидир.²⁴

Н.Мегораннинг тадқиқот ишларини таҳлил қилар эканмиз, улар чегара²⁵, халқаро муносабатлар²⁶, геосиёсат²⁷ ва миграция²⁸ соҳаларидаги тадқиқотлар эканининг

²⁰ Sally N. Cummings. Symbolism and Power in Central Asia: Politics of the Spectacular. Routledge, 2013

²¹ Sally N. Cummings. Understanding Central Asia: Politics and Contested Transformations. Routledge, London. 2013.

²² <https://rusi.org/people/pantucci>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 30 март.

²³ Совуқ уруш — бир тарафдан АҚШ ва унинг иттифоқдошлари, иккинчи тарафдан СССР ва унинг иттифоқдошлари орасидаги XX асрнинг 40-йиллари ўрталаридан 90-йилларнинг бошларигача давом этган глобал геосиёсий, иқтисодий ва ғоявий конфронтация.

²⁴ <https://www.staff.ncl.ac.uk/nick.megoran/index.html>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 30 март.

²⁵ Nick Megoran. 'Uzbek-Kyrgyz borders in the Ferghana Valley: observations 1996' Labyrinth: Central Asia Quarterly 3, no. 4 (1996): 46.

Nick Megoran. [The Borders of Eternal Friendship: Kyrgyz-Uzbek Relations in 1999: Part I.](#) Eurasia Insight , (Washington: OSI): 12/1999.

Nick Megoran. [Calming the Ferghana Valley Experts](#). A review essay of Lubin, Nancy and Rubin, Barnett Calming the Ferghana Valley: Development and Dialogue in the Heart of Central Asia. Report of the Ferghana Valley Working Group of the Centre for Preventative Action. New York: The Century Foundation Press, 1999. Central Asia Monitor 2000 (5): 20-25.

Nick Megoran. ['To survive, villagers buck Uzbek border controls.'](#) In: [Eurasianet Business and Economics](#) (Washington: OSI) 25/05/2004.

Nick Megoran. ['The critical geopolitics of the Uzbekistan-Kyrgyzstan Ferghana Valley boundary dispute, 1999-2000'](#), *Political Geography*, 23 (6): 731-764.

Nick Megoran. 'Central Asia: rethinking border-control assistance' Eurasia Insight 3/12/2007.

Nick Megoran. 'Rethinking the study of international boundaries: a biography of the Kyrgyzstan-Uzbekistan boundary.' Annals of the Association of American Geographers, 2012. 102(2), pp. 464-481.



гувоҳи бўлиш мумкин. У 2002 йилда *“Абадий дўстлик чегаралари? Ўзбекистон-Қирғизистон Фарғона водийси чегарасидаги сиёсат, миллатчилик ва ўзликни англаш муаммолари”*²⁹ мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади, бугунга келиб эса Буюк Британиядаги Ўзбекистон-Қирғизистон чегаравий, геосиёсий масалалари бўйича йирик олимларидан бири ҳисобланади.

Глазго университети Ижтимоий ва сиёсий фанлар мактаби профессори **Лука Анчески** пост-совет даври Марказий Осиёда сиёсат ва халқаро муносабатлар соҳасида тадқиқотлар олиб боради. Унинг қизиқишлари доирасида олиб борган изланишларини унга йўналишга ажратиш мумкин. Биринчиси Марказий Осиё минтақаси давлатларининг ташқи сиёсати. Л.Анческининг бу мавзу бўйича чоп этилган иккита монографияси мавжуд бўлиб, бири Туркменистон³⁰, иккинчиси эса Қозоғистон Республикаси³¹ ташқи сиёсатига оид.

Навбатдаги йўналиш Марказий Осиё энергия инфратузилмасининг ички ва халқаро роли бўлиб, олим энергетика меғалойиҳаларини узоқ вақтдан бери ўрганиб келади. Туркменистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон (ТАПИ) газ қувури лойиҳаси мана шулардан биридир.³²

Учинчи, сўнгги тадқиқот йўналиши Марказий Осиёда ҳам, ундан ташқарида ҳам ҳокимият бошқарувида шахсиятнинг ўрнига оид. Бу борада Л.Анчески Ниёзовдан кейинги Туркменистон ва Каримовдан кейинги Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ўтказилишини тартибга солувчи жараёнларни³³ тадқиқ қилган.

Шарқшунослик ва Африка тадқиқотлар мактаби (SOAS) “Сув ва ривожланиш маркази” директори **Петер Моллинга** Жанубий ва Марказий Осиёда сув, табиий ресурслар ва тараққиёт ўртасидаги муносабатларни ўрганиб боради. Унинг тадқиқотлари қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш (суғориш) ва унинг шаҳар ҳамда саноат сувида фойдаланиш билан ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган бўлиб, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш, уни бошқаришнинг сиёсий

²⁶ Nick Megoran. 'Revisiting the 'pivot': the influence of Halford Mackinder on analysis of Uzbekistan's international relations', *Geographical Journal*, 170 (4): 347-358

Nick Megoran. 'Preventing conflict by building civil society: post-development theory and a Central Asian-UK policy success story.' Published in *Central Asian Survey*. 2005, 24 (1): 84-96.

Nick Megoran. (with Sevara Sharapova), 'Mackinder's "Heartland": a help or hindrance in understanding Central Asia's international relations?', *Central Asia and the Caucasus*, 2005, 4 (34): 8-20

²⁷ Nick Megoran. 'The critical geopolitics of danger in Uzbekistan and Kyrgyzstan', *Environment and Planning D: Society and Space* 2005, 23 (4): 555 - 580.

Nick Megoran. 'The politics of using Mackinder's geopolitics: the example of Uzbekistan', *Central Asia and the Caucasus*, 2005, 4 (34): 89-102

²⁸ Nick Megoran. 'Migration and peace: the transnational activities of Bukharan Jews'. Published in in McConnell, F., Megoran, N. and Williams, P. (eds.) *Geographies of Peace*. 2014. London: I.B. Tauris. n: I.B. Tauris: 212-228.

²⁹ Nick Megoran. [The Borders of Eternal Friendship? The politics and pain of nationalism and identity along the Uzbekistan-Kyrgyzstan Ferghana Valley boundary, 1999-2000](#). Ph.D. dissertation.

³⁰ Luca Anceschi. *Turkmenistan's Foreign Policy – Positive Neutrality and the Consolidation of the Turkmen regime*. Routledge, 2008

³¹ Luca Anceschi. *Analysing Kazakhstan's Foreign Policy - Regime neo-Eurasianism in the Nazarbaev era*. Routledge, 2020

³² <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/02634937.2017.1391747>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 4 апрель.

³³ <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/00472336.2020.1772853?journalCode=rjoc20>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 4 апрель.



иқтисоди; сув-табiiй ресурслар сиёсатини қиёсий ўрганиш; сув-табiiй ресурслар секторида чегара ишларининг жараёнларига катта аҳамият беради.³⁴

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистонда содир бўлган ва бўлаётган барча ижтимоий-сиёсий жараёнлар Буюк-Британия ва дунёнинг бошқа давлатлари тадқиқот марказлари мутахассислари томонидан диққат билан ўрганиб борилмоқда. Марказий Осиёнинг глобаллашган ҳозирги замонда жойлашган муҳим ўрни ва мавқеидан келиб чиқиб, келгусида бу тадқиқотларнинг кўлами бундан кейин ҳам янада ортиб бораверишини тахмин қилиш мумкин.

³⁴ <https://www.soas.ac.uk/staff/staff59646.php>. Мурожаат этилган сана: 2022 йил 15 апрель.